



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2021 - yil 14 - noyabr

360-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

2021-2022 йил қиш-баҳор мавсумида вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа муассасаларини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг “Ички истеъмол бозорини ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли тўлдириш ва уларнинг захирасини яратиш бўйича амалга ошириладиган тезкор чоралар ҳамда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 октябрдаги 189-баёни (01-03/1-278-сон йиғилиш баёни, 27.10.2021 йил), Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2021 йил 28 октябрдаги №03/1-669-сон кўрсатмаси ижросини таъминлаш, шунингдек, 2021–2022 йил қиш-баҳор мавсумида вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа муассасаларини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг “Ички истеъмол бозорини ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли тўлдириш ва уларнинг захирасини яратиш бўйича амалга ошириладиган тезкор чоралар ҳамда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 октябрдаги 189-баёни (01-03/1-278-сон йиғилиш баёни, 27.10.2021 йил), Ўзбекистон

Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2021 йил 28 октябрдаги №03/1-669-сон кўрсатма хати раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги 189-баёни билан:

Республика аҳолисини келгуси йил пишиқчилик мавсумига қадар истеъмол картошкаси билан кафолатли таъминлаш ва нархларни барқарор сақлаш чораларини кўриш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаевнинг тақдироти маълумот учун қабул қилинганлиги ва 2021 йилнинг декабрь - 2022 йилнинг январь-май ойларида ички бозорни кафолатли таъминлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт ҳисобидан яратиладиган истеъмол картошкасининг махсус захираси ҳажми 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Молия вазирлиги (Ишметов, Султанов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафоев) Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 октябрдаги 627-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда тадбиркорлик субъектларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини тегишли тижорат банкларининг сўровларига асосан қайтариш шарти билан фоизсиз депозитга жойлаштирилиши, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ҳафта якуни билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилиши;

Марказий банк (Камалов), тижорат банклари раҳбарлари билан биргаликда фоизсиз депозитга жойлаштирилган Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ликвидли гаров таъминоти асосида ўсимлик ёғи, истеъмол картошкаси, гўшт (мол, қўй, парранда гўшти), музлатилган балиқ импорти учун йиллик 4 фоизлик ставкада тадбиркорлик субъектларига ажратилишини таъминлаши ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ҳафта якуни билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борилиши;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тижорат банклари депозитига жойлаштирилган хорижий валютадаги маблағлари тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига миллий валюта “сўмда” берилиши;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (Эргашев) четдан келтириладиган истеъмол картошкаси ва бошқа маҳсулотлар билан турли

ўсимлик касаллиги ва хашоратлари Ўзбекистон Республикасига кириб келишини ва тарқалишини олдини олиш мақсадида, олдиндан (хорижий давлатнинг ўзида) карантин ҳамда касллик ва зараркунандаларга қарши ишлов бериш чораларини кўриши, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ҳафта якуни билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бориши белгиланганлиги эътиборга олинсин.

3. 2021-2022 йиллар қиш ва баҳор мавсумида ички бозорни асосий турдаги маҳсулотлар билан кафолатли таъминлаш мақсадида, вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Мактабгача таълим бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган:

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғаришнинг умумий прогноз ҳажмлари 1-иловага мувофиқ;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғаришнинг ҳудудий тайёрлов ташкилотлари ва ижтимоий соҳа муассасалари кесимда прогноз ҳажмлари 2-иловага мувофиқ;

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан жалб қилинадиган ҳудудий тайёрлов ташкилотларида захирага жамғариладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз ҳажмлари 3-иловага мувофиқ;

вилоят Мактабгача таълим бошқармаси муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш прогноз ҳажмлари 4-иловага мувофиқ;

вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш прогноз ҳажмлари 5-иловага мувофиқ;

вилоят Халқ таълими бошқармаси муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш прогноз ҳажмлари 6-иловага мувофиқ;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ва мақсадли ишлатилишини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби 7-иловага мувофиқ;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захира мақсадларига

харид қилишни молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ижтимоий соҳа муассасалари:

2021 йил 1 декабрь кунига қадар асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишларини тўлиқ якунласин;

Захирага жамғариш ишлари тўлиқ якунланганлиги юзасидан бир ҳафта муддатда вилоят ҳокими номига кафолат хати ёзиб берсин.

5. Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича белгиланган ҳажмларни молиялаштириш манбалари этиб:

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан жалб этилган тайёрлов ташкилотлари учун - хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз айланма маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари;

вилоят Халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Мактабгача таълим бошқармаси муассасалари учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва ушбу бошқарма муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари белгилансин.

6. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят Мактабгача таълим бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси жорий йилнинг 25 ноябрига қадар 4 турдаги (картошка, пиёз, сабзи ва гуруч) сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда захирага жамғариш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, тайёрлов ташкилотлар ва ижтимоий соҳа муассасалари ўртасида истисно тариқасида тўғридан-тўғри контрактация шартномалари тузилишини ҳамда ушбу қарор иловаларидаги прогноз ҳажмларга мувофиқ маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда ғамлаб қўйилишини таъминласин.

7. Вилоят Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) бюджетдан маблағ билан таъминланувчи ижтимоий соҳа муассасаларига 2021-2022 йилги қиш-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғариш учун зарур маблағлар бюджет ва бюджет муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига тўлиқ ажратилишини таъминласин.

8. Вилоят ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ва мақсадли ишлатишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи (Т.Юсупов, А.Хакимов):

2021-2022 йиллар қиш ва баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳудудлар бўйича захирага жамғаришнинг белгиланган прогноз ҳажмлари бажарилишини мониторинг қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжига нисбатан кам етиштириладиган ҳудудлар захираси учун етишмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми эҳтиёждан ортиқча бўлган ҳудудлар ҳисобига қоплаш чораларини кўриш;

маҳаллий ҳокимликлар томонидан захира тадбирларига жалб этилган тайёрлов ташкилотлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида арзон нархларда сифатли маҳсулот етказиб бериш юзасидан истисно тариқасида тўғридан-тўғри контрактация шартномалари тузиш ишларини самарали ташкил этилишини назорат қилиш;

захира тадбирларига жалб этилган тайёрлов ташкилотлари томонидан захира мақсадлари учун талаб этиладиган маблағлар бўйича тижорат банкларига буюртмаларни тақдим этилишини ва маблағлар ажратилишини назорат қилиш;

захира мақсадлари учун омборхоналар ва совуткичли сиғимлар етишмаётган ҳудудларга бошқа ҳудудлардаги ортиқча сиғимларни бириктириш ҳисобига мавжуд сиғимлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш;

захира мақсадлари учун маҳсулотларни харид қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ аниқланган муаммоларни тезкор бартараф этиш чораларини кўриш.

б) асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захира мақсадларига харид қилишни молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи (З.Бахриддинов):

ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжи учун захирага жамғариладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш мақсадида талаб этиладиган маблағларни муассасаларнинг бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини амалга

ошириш;

аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этилган ижтимоий соҳа муассасаларига хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига захира тадбирлари учун талаб этиладиган маблағларни олдиндан тўлаб берилишини таъминлаш;

вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси ҳамда Мактабгача таълим бошқармаси томонидан захира мақсадлари учун режалаштирилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

9. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

уч кун муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳажмларига мос омборхоналар ва совутиш сиғимларини хатловдан ўтказсин, хатлов натижаларига кўра захира тадбирлари учун белгиланган ҳажмларни сақлашга ихтисослашган ташкилотлар рўйхатини алоҳида кўрсатган ҳолда вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этсин;

ушбу қарор иловаларидаги прогноз ҳажмларга мувофиқ асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда ғамлаб қўйилишини таъминласин;

2022 йил 1 январга қадар тасдиқланган тармоқ жадваллари асосида захирага жамғарилган маҳсулотларни ички истеъмол бозорига етказиб бериш жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ва ички бозорга савдога чиқарилиши мониторингини олиб боришда шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари - тадбирларга жалб этилган тайёрлов ташкилотлари томонидан жорий йилнинг ноябрь ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини захирага жамғариш ва захира омборларидан ички истеъмол бозорига сотувга чиқариш ҳажмлари тўғрисида;

вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси ҳамда Мактабгача таълими бошқармаси - ижтимоий соҳа муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини харид қилиш мақсадлари учун мўлжалланган бюджет маблағлари

ажратилиши ва ўзлаштирилиши ҳолати, маҳсулотларни захира омборларига жамғариш ишларининг бориши ва қиш-баҳор ойларида мақсадли ишлатилиши тўғрисида вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасига ҳар 10 кунда ахборот тақдим этадилар.

11. Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (М.Абдуллаев) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда тегишли бошқармалар ва идоралар билан биргаликда:

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш кўрсаткичлари бажарилиши ва уларни молиялаштириш масалалари ҳал этилиши ҳамда тасдиқланадиган тармоқ жадвалларига мувофиқ савдо шохобчаларига ва ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжлари учун самарали ишлатилиши юзасидан мониторинг олиб бориш тизимини жорий этсин ва натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотларни ҳар 10 кунда вилоят ҳокимлигига киритсин.

12. Қуйидагилар:

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А. Ҳакимов) шаҳар ва туманлар ҳокимлари зиммасига ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ захирага жамғариш учун зарур ҳажмларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини такрорий экин майдонларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан таъминлаш;

ушбу қарорнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишга ўз вақтида шартномалар тузиш ва захирага жамғариш ҳамда ички истеъмол бозорга етказиб бериш;

вилоят Мактабгача таълим бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Халқ таълими бошқармаси ушбу қарорнинг 4-6-иловаларига мувофиқ асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича ўз вақтида шартномалар тузиш ва захирага жамғариш ҳамда улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш;

вилоят Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) зиммасига ушбу қарорнинг 4-6-иловаларига мувофиқ асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирага жамғариш учун ижтимоий соҳа муассасаларини ва улар томонидан жалб этиладиган тайёрлов ташкилотларини ўз вақтида молиялаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси (А.Тиллавоидиев), Монополияга қарши курашиш бошқармаси (А.Абдуллаев) билан биргаликда:

малакали ходимлардан иборат махсус ишчи гуруҳлар тузган ҳолда, ички истеъмол бозорларида ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига улгуржи ва чакана нархлар шаклланиши устидан кунлик назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан солиқ имтиёзлари берилаётганини, имтиёзли кредитлар ажратилаётганини, темир йўл тарифлари ва бошқа хизматлар бўйича преференциялар жорий этилаётгани ҳисобга олиб, ички бозорларда ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нархларни асоссиз шаклланишига мутлақо йўл қўймаслик чораларини кўрсин ва бу борада аниқланган салбий ҳолатлар бўйича тегишлилиги бўйича қонуний чоралар кўриш учун тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга киритиб борсин;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ҳафта якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот бериб борсин.

14. Вилоят божхона бошқармаси (Х.Файзуллаев) четдан келтирилаётган ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини 1 суткадан кечиктирмасдан божхона расмийлаштирувидан ўтказиш юзасидан барча даражадаги бўғинлари раҳбарларига тегишли кўрсатма берсин ва ижросини назоратга олсин, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ҳафта якуни билан вилоят ҳокимлигига ва республика идораларига ахборот бериб борсин.

15. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳудудларда ички бозорларни барқарор сақланишини таъминлаш мақсадида, ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган Озиқ-овқат хавфсизлиги жамғармалари ҳисобига қиш ва баҳор мавсуми учун ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираларини шакллантириш чораларини кўрсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Ҳақимов зиммаларига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**2021-2022 йил қиш ва баҳор мавсумига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага
жамғариш ишларининг бориши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Худудлар номи	Жами	жумладан:			
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч
Жами:		70 931	42 086	5 987	15 296	7 561
1	Мингбулоқ	1 835	1 089	169	389	187
2	Косонсой	4 921	2 912	425	1 065	520
3	Наманган	2 143	1 263	192	463	225
4	Норин	2 968	1 784	245	625	314
5	Поп	4 955	2 928	430	1 077	521
6	Тўрақўрғон	5 093	3 017	440	1 096	540
7	Уйчи	4 049	2 399	344	871	435
8	Учқўрғон	2 977	1 762	262	641	312
9	Чортоқ	5 131	3 039	432	1 111	549
10	Чуст	7 002	4 154	594	1 512	742

11	Янгиқўрғон	5 776	3 422	485	1 248	621
12	Наманган ш.	24 081	14 318	1 969	5 199	2 596

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
2-илова

**2021-2022 йиллар қиш ва баҳор мавсумига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага
жамғариш бўйича тайёрлов ташкилотлари ҳамда ижтимоий соҳа муассалари
томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Худудлар	Жами	шу жумладан:				
			Худудий корхоналар	Ижтимоий соҳа жами	шундан		
					МТМ	ССБ	ХТБ
Жами:		70 931	68 688	2 243	1 759	76	407
1	Мингбулоқ	1 835	1 649	186	162		24
2	Косонсой	4 921	4 739	182	128		53
3	Наманган	2 143	2 008	135	113	4	18
4	Норин	2 968	2 820	149	119		30
5	Поп	4 955	4 708	247	192	24	31
6	Тўрақўрғон	5 093	4 880	213	171		43
7	Уйчи	4 049	3 900	149	149		
8	Учкўрғон	2 977	2 767	210	155	22	33
9	Чортоқ	5 131	4 997	134	102	6	27
10	Чуст	7 002	6 758	244	195		49

11	Янгиқўрғон	5 776	5 644	132	119		13
12	Наманган ш.	24 081	23 819	263	155	20	87

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
3-илова

**2021-2022 йил қиш ва баҳор мавсумига ҳудудий тайёрлов ташкилотлари томонидан асосий турдаги қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича
МАЪЛУМОТ**

№	Ҳудудлар номи	Жами захира маҳсулоти хажми,	жумладан:			
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч
Жами:		68 688	40 843	5 566	14 852	7 428
1	Мингбулоқ	1 649	981	134	357	178
2	Косонсой	4 739	2 818	384	1 025	512
3	Наманган	2 008	1 194	163	434	217
4	Норин	2 820	1 676	229	610	305
5	Поп	4 708	2 799	382	1 018	509
6	Тўрақўрғон	4 880	2 901	396	1 055	528
7	Уйчи	3 900	2 319	316	843	422
8	Учқўрғон	2 767	1 645	224	598	299
9	Чортоқ	4 997	2 971	405	1 080	540
10	Чуст	6 758	4 018	548	1 461	731
11	Янгиқўрғон	5 644	3 356	458	1 220	610
12	Наманган ш.	23 819	14 164	1 928	5 150	2 577

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
4-илова

2021-2022 йил қиш ва баҳор мавсумига Мактабгача таълим муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ҳажмлари

№	Худудлар номи	Жами	жумладан:			
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч
Жами:		1 759	965	341	356	98
1	Мингбулоқ	162	95	31	29	7
2	Косонсой	128	62	31	31	5
3	Наманган	113	55	26	26	6
4	Норин	119	89	11	11	7
5	Поп	192	94	40	50	8
6	Тўрақўрғон	171	90	37	35	9
7	Уйчи	149	80	28	28	14
8	Учқўрғон	155	89	30	30	7
9	Чортоқ	102	53	21	22	6
10	Чуст	195	110	36	40	8
11	Янгиқўрғон	119	58	25	25	10
12	Наманган ш.	155	90	25	29	11

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
5-илова

2021-2022 йил қиш ва баҳор мавсумига Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ҳажмлари

№	Худудлар номи	Жами	жумладан:			
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч
Жами:		76	46	8	14	8
1	Мингбулоқ					
2	Косонсой					
3	Наманган	4	3	0	1	1
4	Норин					
5	Поп	24	15	2	5	2
6	Тўрақўрғон					
7	Уйчи					
8	Учқўрғон	22	12	3	4	3

9	Чортоқ	6	3	1	2	1
10	Чуст					
11	Янгиқўрғон					
12	Наманган ш.	20	14	2	3	2

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
6-илова

2021-2022 йил қиш ва баҳор мавсумига Халқ таълими муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ҳажмлари

№	Худудлар номи	Жами	жумладан:			
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч
Жами:		407	232	72	75	28
1	Мингбулоқ	24	14	4	4	2
2	Косонсой	53	32	10	9	3
3	Наманган	18	11	3	3	1
4	Норин	30	18	5	4	2
5	Поп	31	19	6	4	2
6	Тўрақўрғон	43	26	8	6	3
7	Уйчи					
8	Учқўрғон	33	16	5	9	3
9	Чортоқ	27	13	5	7	2
10	Чуст	49	26	10	10	4
11	Янгиқўрғон	13	8	2	2	1
12	Наманган ш.	87	51	14	17	6

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
7-илова

**Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш
ва мақсадли ишлатишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят**

ИШЧИ ГУРУҲИ

- | | | |
|-----|-----------------------|---|
| 1. | Т.Юсупов | - Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари,
<i>вилоят ишчи гуруҳи раҳбари</i> |
| 1. | А.Ҳакимов | - Вилоят ҳокимининг ўринбосари, <i>вилоят ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари</i> |
| 2. | А.Абдусаломов | - Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи |
| 3. | З.Баҳриддинов | - Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи |
| 4. | М.Абдуллаев | - Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 5. | А.Тиллаводдиев | - Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Н.Каримов | - Вилоят Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси раҳбари |
| 7. | А.Иминов | - Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи |
| 8. | Р.Исраилов | - Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Ҳ.Юсупова | - Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи |
| 10. | <i>Лавозим бўйича</i> | - Шаҳар ва туманлар ҳокимлари |
| 11. | Х. Турсунов | - Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти 1-тоифали мутахассиси, <i>вилоят ишчи гуруҳи котиби</i> |

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 14 ноябрдаги
360-6-0-Q/21-сон қарорига
8-илова

**Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишни
молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят
ИШЧИ ГУРУҲИ**

1. З.Бахриддинов - Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи,
вилоят ишчи гуруҳи раҳбари
2. А.Иминов - Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси
бошлиғи
3. Р.Исраилов - Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
4. Ҳ.Юсупова - Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси
бошлиғи
5. Ғ.Воҳидов - Вилоят Марказий банк бош бошқармаси
бошлиғи
6. *Лавозим бўйича* - Тижорат банки раҳбарлари
7. *Лавозим бўйича* - Шаҳар ва туманлар ҳокимларининг молия-
иқтисод ва камбағалликни қисқартириш
масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари